




(Бўлган гаплардан)

## Куршоб

Ўш билан Ўзгант орасида, машхур Ўттиз адирнинг ёнида, Куршоб деган кишлок бор. Унинг номи хали ҳам расман Пок-ровский деб русча аталиб келадур. Ундаги фукаро тамоман кўчкунчи (мухожир) ўруслар бўлуб, булар ўзларининг истакли оталари ва хомийлари бўлган Некалай подшоҳнинг даврида шу мунбит тупрокка келиб жойлашканлар. Бечора киргизларнинг энг унумлик жойларини козок ўруслар-нинг захарлик камчиси оркасида тортиб олиб, уларнинг ўзларини «тўрт тарафинг кибла» деб хайдаб юборгандан кейин тез орада шу кадар бой бўлуб кетган эдиларким, уларнинг бу «харом давлатлари» тўгрисида ўша вақтдаги турк-татар газеталари ҳам кўб нарса ёзган эдилар. Ернинг, тупрокнинг асл эгаси, хўжайини бўлган бечора киргизларнинг кўби ўша вақтдаёқ бу «бетакаллуф меҳмонлар»га хизматкорликка ёлланган эди: хар бир уйи бор мухожирнинг энг ками 1-2 та киргиз хизматкори бўлгучи эди.

Куршоб кишлогининг ўзи ҳам оз фурсатда жуда обод бўлуб кетиб, бир шаҳар рангига кирган. Русиядан келганда икки оёқ, икки кўлларида бошка нарсалари бўлмаган мухожирлар галати иморатлар, бой хўжаликларга эга бўлганлар эди.

Ўктябр инкилобининг аввалги 2-3 йилида буларнинг тарихлари бутун номуссизлик, хиёнат, жиноят ва зулмлар билан тўладур. Булар инкилобнинг бошларида шўролар ҳукуматига катъиян ишонмай турсалар ҳам, кейинча кизил кўшун каторига кириб олиб ерлик халкнинг кишлок ва шаҳарларини талон-торож қилиб юрдилар. Бир вақт озук сиёсатида шўролар ҳукумати томонидан разверстка ва монополия усуллари ушлангач, машхур Мадаминбекга кўшулуб Андижон шаҳрини мухосара\* қилдилар.

Ер ислохоти вақтида буларнинг бир кадар адаблари берилган бўлса-да, инкилобқача улар тарафидаи киргиз халкига берилган «адаблар»га нисбатан ҳеч нарса эмасдур.

## Энг керакли бир иш

Ўтган йил ўша атроф киргизларининг мўътабар-ларидан бир нечтаси Ўш шаҳар ва атроф кизил милициясининг бош-лиги Корабеков ўртокнинг таргиб ва ташвики оркасида киргиз халки орасига билим-маориф таркатиш ишига жиддият билан киришдилар. Киргиз халки орасида бошлангич мактаблар очиб, у мактаб-ларни кўчманчи халкнинг маишат усулларига тўғрилаб олиб бориш ва бунинг учун-да ўша халкнинг ўзидан муаллимлар етишдириш халиги мақсад йўлидаги энг кераклик бир чора эди. Шу чорани амалга татбиқ қилмоқ учун бир таълим-тарбия Курсига эҳтиёж кўрулиб, у Курс ўтган 1923 йил мазкур Куршоб қишлоғида очилди.

6 ойлик қилиб очилган бу таълим-тарбия Курсининг бутун таъминоти ерлик халқ – киргиз халқининг бўйнида эди. Андижондан 3 та муктадир муаллим ҳам чакирилди. Ўқушлар ҳам бошланди, иш ҳам яхши, секинчилик бир йўлга тушди.

## Мустамлакачилар кутурдилар

Бу иш, бу яхши ташаббус Некалайнинг хақиқий ўғулларига, Куршобдаги ўрус мустамлакачиларига ёмон таъсир қилди. Нимага десангиз, улар киргиз халқининг маърифатлик, билимлик бўлуб, дунёда одам қатори яшашка истихкок\* қасб этишини сира истамаслар эди. Улар кўз олдидан киргиз халқининг юксалиб ётқанига, ёш-ёш киргиз болаларининг билим олиб, дунёни таниб, янги ҳаёт майдонига завқ билан кириб бориш-ларига қандай олмадилар. У ерда, у қишлоқда ақсариятни ўзлари ташқил қилганликлари учун ва ҳам эскидан қолган «хўжайинлик»ларининг таъсири билан Курсга эркин-эркин ҳужум қилишга бош-ладилар. Хар бир йўл, хар қандай ҳаракат билан шу Курсга озми-кўбми зарар беришга, бир даража таҳқир қилишга киришдилар, курснинг талабалари, муаллимлари, ишқилиб, шу Курсчилар қилган вақтларида: «Тфуу, сарт!» – деган таҳқирларга жуда кўб учрашлар эди. Бу нарсга одат бўлуб қетди, бунга курсчиларнинг ўзлари ҳам аҳамият бермадилар.

Локин Куршоб мустамлакачиларининг ҳаддан ошиб қетган ҳужум тааррузлари\* борқим, буларга Курсчиларгина эмас, бутун ҳукумат аҳамият билан қарашга тегиш. Шунинг учун шу ҳаддан ошқан, ортиқча ҳужумлардан 3 тасини шу ерда ёзиб ўтаман.

Айниқса, шу ортиқча, жиноятлик ҳужумларга бир фирка аъзо-сининг аралашиб қўюши, мунга қарши на фирка ва на шўро маҳкамаларининг маҳалда ҳеч бир чора қўрмасликлари юқори фирка ва шўро маҳкамаларининг ҳам диққатларини жалб этишга тегиш.

## Одам устида от ўйнатиш

28 январда кундузи Куршоб кўчасида бир маст мухожир от чопиб кела бошлаган. Шу вақтда бир муаллим ўртоқнинг бири 5 яшар, яна бири ундан кичик икки ўгли кўчада ўйнаб юрган экан. Маст мухожир катта боланинг устидан от иргиш-латиб ўтмакчи бўлуб боланинг устига от солган. Баракат берсунким, бола от остида колуб кетмасдан, отнинг ёнбошига тўгри келиб колган экан, от уриб кетиб, бир хафта касал ётуб, зўрга тузалган. Бу боланинг устида от ўйната олмагач маст мухожир кичкина боланинг устидан ўтмакчи бўлуб от солдирган. Лекин буниси кочиб кутулган.

Бу тўғрида ҳам ул ижрокўм раисига оғзаки арз қилинган, раис ўртоқ: «Ана у қилдим, мана бу қилдим», – деб мактанган бўлса-да, ҳақиқатда ҳалиги мастга қарши ҳеч нарсаси қилган эмас.

### **Мушт билан хужум**

Курс очилгандан бир ой кейин Курснинг хўжалик мудирини кечаси кўчада тутуб оллуб урганлар. Бу сафарги мушт хужумчилари орасида ҳалиги ўртоқ Кириловнинг фиркасииз укалари ҳам бор.

Молия мудирини шу хужумнинг натижасида қаттиғ қасал бўлган, дўқтўрга қўрсатилган, дўқтўрдан шаҳодатнома олинган. Дўқтўрнинг шаҳодатномаси билан бирга бир ариза ёзилиб, Куршобқа иш билан қелган вақтларида музофот фирқакў-мининг раёсат аъзоси ўртоқ Мирзохид Оқил билан Ўш шаҳар ва уезд ижрокўм бошлиғи ўртоқ Тўрақул ўғилларига берилган. Тўрақул ўғлининг буйруғи билан ҳалиги урганларни қамаган бўлсалар-да, у қетгач, яна дарҳол чиқарганлар...

### **Мустамлакачилар ва маҳаллий ҳукумат**

Куршобда ҳар уйда десак мумкин, кишишовқа машинаси бор ва ичкилик, мастлик, қўчаларда мастлик билан тўпаланг қилиш ишлари ривожда. Мунга қарши маҳаллий ҳукумат ҳеч нарсаси қилмайдур.

Ёрлик халқнинг энг муқаддас бир қилим муассасасига қарши қора қуч билан хужум қилаётган Кирилов ва шерикларига қарши ҳам маҳаллий ижрокўм жиддий бир қораси қўруб, қир-ғиз халқининг шу қўз қарашини қора қурух (қерносо-тенство) мус-тамлақачилардан қаслашқа тиришмайдур.

Қилмаймиз, бунинг сабаби нима бўлса?

Қўрқамизким, ҳалиги мусаллас қургурнинг бу ишларга ҳам қатта таъсири бўлмағай (бўлмаси) деб.

Ҳар қолда, бу мустамлақачилар мустамлақачилик қаром саналган мамлақатда тезрак йўқ

килинишка тегиш!

---

Макола «Фаргона» газетасининг 1924 йил 12 март сонида «К» имзоси билан босилган. Кейин «Шарк юлдузи» журналининг 1991 йил 6-сониди (нашрга тайёрловчи Д.Курунов) қайта нашр этилган.

«Фаргона» газетаси асосида нашрга тайёрланди.

Мухосара (араб.) – камал, ўраб олиш.

Истихкок (араб.) – бирор нарсага ҳақли бўлиш, лойиклик.

Таарруз (араб.) – 1) тегиш, тақилиш; 2) қаршилиқ.